

---

## Пастки Хўжа Хасан маҳалласида асфальтлаштириш учун тайёргарлик ишлари бошланди.

Тумандаги Пастки Хўжа Хасан маҳалласидаги ички йўллари асфальтлаштиришга тайёргарлик ишларини бошлашдан олдин маҳалладаги кекса отахон ва онахонларнинг дуолари олинди.

Ички йўллари таъмирга муҳтожлиги ҳудуд аҳолисининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги ПҚ-408-сон қарорига асосан Пастки Хўжа Хасан маҳалласидаги 12 та кўчаларнинг 13,7 км қисмини асфальтлаштириш учун шағаллаштириш ишлари бошлаб юборилди. Мазкур ишлар учун 5,5 млрд.сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши кўзда тутилган

Амалга оширилаётган ишлардан маҳалла аҳли бирдек мамнун.

2023-02-14 19:41:33